Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 16 МАЙ, ШАНБА

№49 (5645).
Баҳоси: обуначига 24 тийин, сотувда 60 тийин.

Кеча Тошкентда мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари раҳбарларининг кенгаши очилди

Имтиҳон даври тобора яқинлашмоқда. Унга қандай тайёргарлик кўрилаётир? Шу масаладаги саволларга жавоб топиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг умумий ўрта таълим Бош бошқармаси 7 май куни умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернатларда битирув ва синфдан-синфга кўчирув имтиҳонларини ташкил этиш масалалари бўйича телефон орқали «Очиқ мулоқот» ўтказди.

Мулоқотда мактабларда битирув ва синфдан-синфга кўчирув имтиҳонларини ташкил этиш ва ўтказишга доир саволларга бошқарма бошлиғи М. И. ҚОСИМОВ, бошлиқ ўринбосари Г. Я. АЛИМОВА, бошқарманинг бош мутахассислари М. Ш. ШАФИЕВ, Н. Н. АФАНАСЬЕВ, бошқарма етакчи мутахассиси К. ЭГАМБЕРДИЕВлар жавоб бердилар. Қуйида савол-жавоблар матнини маштарийлар эътиборига ҳавола этаётирмиз.

ОЧИҚ МУЛОҚОТ

ҲАЯЖОНЛИ КУНЛАР ТАШВИШИ

Г. В. Ғаффорова, Тошкентдаги 220-мактаб илмий бўлим мудири:

— Мактаб педагогика кенгаши йиллик баҳоси «5» бўлган фандан синфдан-синфга имтиҳонсиз кўчириш тўғрисидаги йўриқномада кўрсатилган бандни бекор қилиши мумкинми?

— Йўриқнома республика Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқлангани учун уни педагогика кенгаши бекор қила олмайди. Аксинча, ўқувчилар ва ота-оналар педагогика жамоасининг асоссиз хатти-ҳаракатлари хусусида шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

Л. А. Рибакова, Тошкент шаҳридаги Ҳамза район халқ таълими бўлими инспектори:

— Йиллик баҳоси бошқа фанлардан «4» ёки ҳатто «3» бўлган ўқувчилар синфдан-синфга кўчириш имтиҳонидан озод этилиши мумкинми?

— Ҳа. Бошқа фанлардан баҳоси қандай бўлишидан қатъи назар (албатта, ижобий баҳолар бўлган тақдирда) ўқувчи «5» олган фанидан синфдан-синфга кўчириш имтиҳонидан озод этилади.

С. Мамедова, Самарқанд шаҳридан:

— Ихтисослашган синфлар ёки мактабларнинг битирувчилари чуқур ўрганилган фандан имтиҳон топширишлари шартми?

— Тўққизинчи синф ўқувчилари ихтисослик фани мажбурий имтиҳонлар рўйхатига киритилмаган бўлса, бу фандан қўшимча сифатида имтиҳон топширадилар.

Агар ихтисослик фани 11-синфда мажбурий имтиҳонлар рўйхатига киритилмаган бўлса, у ҳолда бу фанни ўқувчининг танловига кўра имтиҳон топшириладиган олтинчи фан тариқасида рўйхатга киритилади.

А. Н. Василевская, Тошкент шаҳридан:

— Чет тиллари чуқур ўргатиладиган мактабларда 10—11-синфлар ўқув режасида рус тилидан дарслар йўқ. Битирувчилар бу фандан имтиҳон топширишлари шартми?

— Битирувчилар она тилидан ўз саводхонликлари, билимларини кўрсатишлари зарур. Шунинг учун улар диктант ёзишлари шарт.

А. В. Узбекова, Ўрганч шаҳридаги 3-мактаб илмий бўлим мудири:

— 11-синф ўқувчиси вилоят адабиёт-тилшунослар олимпиадасида 1-ўринни эгаллади. У рус тили ва адабиётдан ёки фақат шу фанларнинг биридан имтиҳон топширмаслик асосига эгами? Бунинг учун имтиҳондан озод этилиши тўғрисидаги мактаб буйруғининг ўзи етарлими?

— Ўқувчи адабиёт фани имтиҳонидан озод этилади, лекин диктантни эса ёзиши шарт. Имтиҳондан озод этилиши учун педагогика кенгашининг қарори зарур.

И. Мадатов, Қарши шаҳридан:

— Агар ўқувчи йиллик баҳосидан норози бўлса, имтиҳон топшириши мажбурий бўлмаган фандан имтиҳон топширишини талаб қилиш ҳуқуқига эгами?

— Ҳа, бундай ҳуқуққа эга. Бироқ бу ҳол фақат битирувчи синфларда ва фақат мазкур йилда ўқитилган фан бўйича.

М. Турғунбоев, Ангрен шаҳар-район халқ таълими бўлимининг мудири: Н. Б. Бикова, Фарғона шаҳар халқ таълими бўлимининг мудири:

— Мактабларда имтиҳон топширадиган ўқувчилар ва район комиссияларига имтиҳон топширадиган медалга даъвогарлар учун имтиҳон материалларини кимлар тайёрлайдилар?

— Мактаблар учун имтиҳон материалларини халқ таълими вилоят бошқармалари тайёрлайди. Агар қайсидир мактаб бу материалларни ҳали олмаган бўлса, зудлик билан вилоят халқ таълими бошқармасига ёки вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтига мурожаат қилиши керак.

Медалга даъвогарлар учун махсус муҳрланган пакет Республика ўқув-методика маркази томонидан имтиҳон арафасида юборилади.

С. Зиёев, Бухоро вилоят халқ таълими бошқармаси инспектори:

— Тожик ва қирғиз тилида ўқитиладиган мактаблар имтиҳон материалларини қачон оладилар?

— Имтиҳон материалларини Қозоғистон ва Қирғизистон Халқ таълими вазирликлари тайёрлайдилар. Бизга берилган маълумотларга кўра, намунавий билетлар ва топшириқлар Ўзбекистонга юборилган ва қатор мактаблар бу материалларни олганлар. Яқин вақт ичида бошқа мактаблар ҳам буларни оладилар.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗАРО ФИКРЛАШИБ ОЛИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика ўқув-методика маркази ташаббуси билан Наманган вилоятида «Ўқувчиларда адабий нутқ меъёрлари ва имло саводхонлигини шакллантириш» мавзусида амалий кенгаш бўлиб ўтди. Кенгаш ишида вилоятдаги барча ноҳия халқ таълими бўлими она тили ва адабиёт фани методистлари, мактаб ўқитувчилари иштирок этдилар.

— Кенгаш қатнашчилари куннинг биринчи ярмида Норин районидаги Фурқат номли 16-мактабда она тили дарсларини кузатдилар. Кўп йиллик педагогик фаолиятга эга ўқитувчилардан Маҳбуба Холмирзаева, Абдуҳалил Назаров, Одилжон Деҳқонов, Абдуқаҳҳор Ҳожиевлар амалий дарс, аукцион дарс, мусобақа-дарс намуналарини юксак маҳорат билан намойиш этдилар.

Кенгашнинг ялпи йиғилишида «Ўзбек адабий тили меъёрлари ва уни мактабда ўқитиш муаммолари» (ТошДД профессори Карим Назаров), «5—11-синфлар учун она тили дастури ва дарслиги муаммолари» (НДПИ доценти И. Иминов) мавзусида маърузалар тингланди.

Кенгаш ишида вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти, Норин район халқ таълими бўлими раҳбар ходимлари, маҳаллий ҳокимият вакиллари иштирок этишди.

М. АБДУРАИМОВА.

ВИЛОЯТ СЕМИНАРИ

Қўрғонтепа ноҳиясидаги 3-ўрта мактабда «Меҳнат таълимини ўқитишда миллийликка эътибор бериш» деб номланган вилоят семинари бўлиб ўтди. Унда меҳнат таълими муаллимлари иштирок этишди.

Маърузалар тугагандан кейин иштирокчилар илм масканида ўқувчилар томонидан ташкил этилган миллий асосдаги кўргазмали намуналар билан танишдилар. Шу куни улар шўъбаларга бўлинган ҳолда ижодкор муаллимларнинг дарсларини таҳлил қилишди.

С. БОТИРОВ.
Андижон вилояти.

18-мактаб ЭҲМ синфхонаси Нурота районидаги бирдан-бир синфхона ҳисобланади. Бу фан бўйича таълим бераётган Иброҳим Исломов ҳар доим изланишда.

Тасвирда И. Исломов ва мактаб директори Б. Раҳмоновлар иш устида.

А. ЧАПЛИГИНА сурати.

ЕТИЛГАН МУАММОЛАР ҲАҚИДА МАКТУБЛАР

ХАЛҚДАН АЖРАЛИБ ҚОЛМАЙЛИК

Бугунги кунда жумҳуриятимиздаги таълим сифати билан ҳеч ким қаноатланмай қўйганлиги сир эмас. Бу муаммонинг бирдан-бир илдизи — халқ таълимининг тобора халқдан ажралиб қолаётганлигидир.

Бола тарбияси билан шуғулланиш кейинги йилларда аросатда қолди. Кимдир «тарбия ота-онанинг иши» деса, яна кимдир буни мактаб зиммасига юклашга ҳаракат қилди. Халқимизнинг «Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она» деган нақлининг туб маъноси ҳақида бош қотирадиганлар озайиб кетганлиги туфайли болалар тарбияси бўшашиб кетди.

Мен бу борада ўзимнинг ягона таклифимни жумҳуриятимиздаги барча халқ зиёлиларининг ҳукмига ҳавола қилмоқчиман:

Халқ таълимини ҳақиқий халқникига айлантириш учун мактаб, маҳалла, ота-она бирлигини мустаҳкамлаш лозим. Жойлардаги маҳалла қўмиталарида мактаб раҳбарларининг маош олиб ишлайдиган тарбиячи, ташкилотчи ўринбосарлари (бола сонига қараб ставка белгиланиб) ишлаши мақсадга мувофиқдир. Чунки болалар вақтларининг асосий қисмини маҳаллада, уйда ўтказишади. Қолаверса, тарбияда оиланинг, ота-онанинг ўрнини босадиган ҳеч қандай куч йўқ.

Б. ҚИРОНОВ,
Ўзбекистон ноҳиясидаги Ш. Тошматов номли болалар ва ўсмирлар уюшмалари маркази раҳбарининг ўринбосари.

ИСТЕЪДОДЛИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Уйчи туманидаги 4-интернатда она тили ва адабиёт фани бўйича XVIII Жумҳурият олимпиадаси бўлиб ўтди.

Наманган вилояти халқ таълими бошқармаси томонидан тузилган ташкилий қўмита олимпиаданинг кўнгилдагидек ўтиши учун керакли шарт-шароитларни муҳайё этди.

Беллашувда 101 нафар ўқувчи қатнашди. Айниқса, Фарғона, Наманган, Хоразм, Тошкент шаҳри, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидан келган «ёш адабиётчилар» ўзларининг ижодкорлиги, билимдонлиги, ҳозиржавоблиги ва изланувчанликларини намоён этдилар. Улардан 6 нафари биринчи ўринни, 2 нафари иккинчи, 12 нафари учинчи ўринларни эгаллашга мушарраф бўлишди.

Ғолиблар I, II, III даражали диплом ҳамда пул мукофоти билан тақдирландилар.

З. ОРЗИБОЕВА.

ЎҚУВЧИЛАР ЁЗИГА ТАЙЕРМИСИЗ?

БОЛАЛАРГА ҚИЙИН-ДА!

Нима бўлсаям онлада жанжал бўлмасин экан-да. Жанжал босилади, ҳамма нарса унутилади. Нари борса эр-хотин бошқа-бошқа турмуш қуриб кетиши мумкин. Ўртада тирик етим болаларга қийин бўларкан.

Болаларнинг ёзги соғломлаштириш ишлари ҳақида мақола тайёрлаш учун Риштон ноҳия халқ таълими бўлимига борганимизда ана шундай аҳволга тушдик.

— Биз январь ойида ёзги соғломлаштириш ишларини ташкил этиш юзасидан буйруқ чиқаргандик. Унда тўртта хўжаликлараро оромгоҳда 1800 ўқувчи, мактаблар қошидаги шаҳар типидаги оромгоҳларда 900 ўқувчи дам олиши керак эди. Аммо..., — ўйланиб қолди ноҳия халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари Аббосжон Султонов.

Ҳамма нарса ана шу «аммо»да. Бошқа жойда бўлаётган бўлинишу мустақилликлар Риштонга ҳам етиб келди. Бир неча қишлоқу хўжаликлар ўртасида ташкил этилган «Ўрикзор» давлат хўжалиги ўриклари энди кучга тўлганда бўлинди... Ҳар қайси хўжалик ўз улушини бўлиб-бўлиб олди.

Навоий номидаги жамоа хўжалиги ҳам бўлинмас зарраларга етиб боргунча бўлиниб борди. «Узбекистон 50 йиллиги» давлат хўжалиги ҳам 20—30 йил аввалги ҳолига — майда-майда жамоа хўжалиги ҳолатига тушди.

Худди ана шу хўжаликлар базасида ташкил этилиб, йилига 1800 — 2000 ўқувчи дам оладиган болалар оромгоҳлари ҳам... улар бўлинишмади, йўққа чиқариб қўя қолишди. Ҳозир уларнинг эгаси йўқ.

Улардан ортда қолмай, деб АПКТ (деҳқончилик саноати комбинати) мутасаддилари ҳам болалар оромгоҳи ўрнига янги-янги цехлар очиб қўя қолишди. Нима дерди нгиз: бугун ҳамма пул топиши, бойлик орттириши керак-да!

Шундай қилиб, «Дўстлик», «Шодлик», Мамадали Топиболдиев номли, «Роҳат» оромгоҳларининг тақдири ҳам қил устида.

— Ноҳия ҳокимияти бир амаллаб, бўлинган хўжаликларни мувофиқлаштириб «Дўстлик» ва Топиболдиев номли оромгоҳларни очишга ёрдам бермоқчи. Бир томондан ўзимиз ҳам мактаблар қошидаги оромгоҳларни еттита эмас, 20 тага етказмоқчимиз, — дейди чуқур ўйга толиб А. Султонов.

Буларнинг ҳаммаси режа, оромгоҳнинг очилишига эса саноқли кунлар қолди. Режа бут бўлиб, таъмирлаш ишларига киришиб кетилса...

Хўжалик бўлиниши, эҳтимол, кимгадир фойда келтирар, аммо болаларга қийин бўлади-да!

Муҳаммад СОДИҚ,
ўз мухбиримиз.
Фарғона вилояти.

ҚАДРЛИ МАОРИФЧИ ДЎСТЛАР! МАОРИФ МАТБУОТИ МУХЛИСЛАРИ!

«Маърифат», «Учитель Узбекистана» газетаси, «Халқ таълими», «Тил ва адабиёт таълими», «Бошланғич таълим», «Мактабгача тарбия» журналлари ўқувчилари!

Бозор иқтисодиётининг аёвсиз тўлқинлари бугун маориф матбуоти бошига ҳам соясини ташламоқда. Қоғоз нархининг кўтарилиши, босмахона ва матбуот тарқатиш харажатларининг кескин ошиши газета-журналларимизнинг мунтазам чиқиб туришини қийин аҳволга солиб қўйди. Нархнавонинг беш-ўн, ҳатто ундан ҳам кўп баравар кўпаётганлиги туфайли обунадан тушган пул маблағи тўрт ойга зўрға етса-да, маориф матбуоти мухлисларининг қўллаб-қувватлаши, жумҳурият Халқ таълими вазирлигининг яқиндан ёрдам берганлиги туфайли «Маърифат», «Учитель Узбекистана» рўзномалари ўз обуначиларига 20 майга қадар етиб бориш имконига эга бўлди.

Энди «Маърифат» газетасига шу йил январь, февраль ойларигача обуна бўлган 180 мингдан ортиқ, худди шундай, «Учитель Узбекистана»нинг 26 мингдан зиёд обуначилари газеталарни 20 майга қадар оладилар. Март-апрель ойларида обуна бўлганлар 1 июнга, май ойида ёзилганлар эса 1 июлга қадар газеталарни оладилар. Шундан кейин газеталарнинг обуначиларга етказилиши тўхтатилади. Газеталарни яна мунтазам олишни истаганлар зудлик билан қайта обуна бўлишлари зарур. Ҳозирги кунда жумҳурият Матбуот тарқатиш марказининг вилоят, шаҳар, район ва бошқа жойлардаги бўлимларида обунага қабул қилиш бошлаб юборилган. Бундай бўлишига обуначилар ҳам, ноширлар ҳам айбдор эмас. Давр тарозиси ана шундай иш тутишга мажбур қилмоқда.

Қадрли маорифчи дўстлар! Маориф матбуоти мухлислари! Келинг, вақтни қўлдан бой бермай зудлик билан газета-журналларимизга янги баҳода обуна бўлайлик! Бу маориф матбуотини бозор иқтисодиёти даврида янада ривожлантиришда жуда муҳим аҳамиятга эга. Ахир, бундан бир йил илгари ҳам ўзбек тилида атиги бир газетаю бир журнал чоп этиларди, холос! Бугун эса ўзбек тилида тўртта журнал чоп этилмоқда. «Маърифат» газетасини ҳафтада уч марта чоп этилишини йўлга қўйган эдик. Ярим миллиондан ошиқ халқ маорифи ходимлари учун бу жуда зарур бўлиб, ўзининг иш услубини янгиликлар билан бойитаман, давр билан бирга одимлаб, халқ фарзандларига замонавий усулларда дарс бераман, ҳамкасбларимнинг тажрибаларини ўрганаман, деган ўқитувчи учун жуда қулайдир. Яна шуни унутмаслик керакки, бизнинг газета-журналларимиз сотувга жуда кам чиқарилади. Шундай экан, обуна бўлиш энг қулай йўлдир.

Газета-журналларимизнинг янгича нархи қуйидагича:

«Маърифат» газетаси 6 ойга 72 сўм, 3 ойга 36 сўм, 1 ойга 12 сўм, бир сони 1 сўм; ИНДЕКС 64595.

«Учитель Узбекистана» 6 ойга 28 сўм 80 тийин, 3 ойга 14 сўм 40 тийин, 1 ойга 4 сўм 80 тийин; ИНДЕКС 64596.

«Халқ таълими» 6 ойга 30 сўм, 3 ойга 15 сўм, 1 ойга 5 сўм; индекс 75380.

«Тил ва адабиёт таълими» 6 ойга 15 сўм, 1 ойга 5 сўм; индекс 75368.

«Преподавание языка и летературы» 6 ойга 15 сўм, 1 ойга 5 сўм; индекс 75369.

«Бошланғич таълим» 6 ойга 30 сўм, 3 ойга 15 сўм, 1 ойга 5 сўм; индекс 79311.

«Мактабгача тарбия» 6 ойга 30 сўм, 3 ойга 15 сўм, 1 ойга 5 сўм; индекс 75310.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ БИРЛАШМАСИ.



Дўстлик районидаги 7-мактабнинг химия ва биология фани муаллимаси Гулзавар Аминова болаларнинг моддалар ва борлиқ ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш ҳаракатида. Ҳар бир дарсни ўқувчилар учун кашфиёт эканлигини тушунган муаллима иложи борича ижодий ишлашга одатланган.

Тасвирда: Г. Аминова навбатдаги машғулотни олиб бораяпти.

Тасвирчи У. ҚУШВОҚОВ.

ТАЛАБАЛАР МУСОБАҚАСИ

Яқинда К. Д. Ушинский номидаги Самарқанд педагогика билим юртида «Тасвирий санъат услубларини ўқитиш» Республика II тур фан олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда асосан, Андижон Ангор, Косонсой, Термиз Марғилон, Каттақўрғон, Чимбой, Чуст, Қўқон, Шаҳрисабз, Тошкент, Сирдарё каби бир қатор педагогика билим юртларидан ўқувчи-ёшлар қатнашдилар.

Илмгоҳда педагогика билим юртларининг бошланғич тасвирий санъат ўқитиш услубиятидан III курс мутахассислик бўйича беллашуви бўлди. Ангор, Хўжайли, Самарқанд, Тошкент, Жиззах педагогика билим юртларининг ўқувчилари фаол қатнашдилар. Шунингдек, талабалар тасвирий санъатни ўқитиш услуби бўйича болаларга расм чизишни ўргатиш, она-табиатга меҳр уйғотиш, уларда эстетик диднн шакллантириш, мустақил фикрлаш қобилиятлари тўғрисида бир қатор савол ва топшириқларга оғзаки, ёзма ҳамда амалий жавоблар бердилар.

Мусобақа ғолиблари бўлган ўқувчилардан М. Фахриддинова, Ш. Сариев, Т. Коваликлар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Республика ўқув-методика марказининг I, II, III даражали диплом ва пул мукофотлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

О. ЮНУСОВ.

ҲАЯЖОНЛИ КУНЛАР ТАШВИШИ

(Боши 1-бетда).

Т. Раҳимов, Навоий вилояти:

— Айрим битирувчилар «Ўзбекистон халқлари тарихи» ўқув курси бўйича имтиҳонни танлаганлар. Билетларга қандай материаллар киритилиши керак?

— Имтиҳон билетларига 10 ва 11-синфлар материаллари киритилади.

Е. И. Береговая, Тошкент шаҳридаги Ҳамза район халқ таълими бўлими услубчиси:

— 11-синф ўқувчилари биринчи бор диктант ёзишларини назарга олиб, ўқитувчи олдиндан тайёрланиши ва матнни бир неча бор ўқиб чиқиши учун конвертни олдиндан очиш ҳуқуқига эгами?

— Пакет имтиҳон комиссияси раиси томонидан ўқувчилар кўз олдида имтиҳон бошланиши олдидан очилади.

Т. Д. Московцева, Тошкент шаҳридаги Ҳамза район халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари:

— Битирувчи синфларда, агар мактабда бир неча параллел 11-синфлар бўлган тақдирда она тилидан имтиҳонларни бир неча сменада ўтказиш мумкинми? Чунки барча ўқувчиларни бир залга йиғиб ёзма иш олинса, ўқитувчининг диктант ўқиши жуда оғир кечади...

— Агар мактабда учта ва ундан ортиқ 11-синф бўлса, ё овозни кучайтириш учун микрофондан фойдаланиш керак, ё ўқувчиларни бир неча гуруҳларга бўлиш зарур. Бундай ҳолда зарур пакетлар миқдори учун вилоят халқ таълими бошқармасига (Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлигига, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасига) олдиндан талабнома бериш керак.

Д. Биняева, Андижон:

— Синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларини муддатидан илгари ўтказиш мумкинми?

— Қуйидаги ҳоллардагина мумкин: Қуролли Кучлар сафига, ҳарбий ўқув юртига киришга чақирув бўлганида, чет элга доимий яшашга, халқаро мусобақаларга қатнашишга кетадиган бўлганда. Бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам вилоят халқ таълими бошқармаси, Қорақалпоғистон Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси рухсат бериши зарур.

Н. Саидов, Наманган:

— Имтиҳонларни ўтказишнинг қандай ноанъанавий шаклларни тавсия эта оласиз?

— Мавзуни ҳимоя қилиш (ўқувчи олдиндан мавзу олиб, бутун тўрт чорак давомида бу мавзу устида иш олиб боради). Тестрлаш (у анъанавий билетлардаги сингари 2—3 саволдан иборат бўлмай, балки талайгина саволларни қамраб олади). ЭҲМга имтиҳон топшириш.

Б. Назарова, Самарқанд:

— Мактаблар ўтган йилиёқ олган имтиҳонларни ўтказиш тўғрисидаги йўриқномада қандайдир ўзгаришлар бўладими?

— Бу йил ўзгаришлар бўлмайди. Бироқ, келгуси йили йўриқномани қайта ишлаб чиқиш кўзда тутилмоқда.

Андижон вилояти халқ таълими бошқармаси инспектори И. Абдуллаев бир неча савол билан мурожаат қилди:

— Умумтаълим мактабларининг олтин ва кумуш медалларга даъвогар ўқувчилари учун битириш имтиҳонлари материалларига буюртмани кимга, қаерга бериш керак?

— Олтин ва кумуш медалларга даъвогар ўқувчилар учун математикадан, она тили ва адабиётдан ёзма имтиҳон табақалашган ҳолда ўтказилади. Имтиҳонларни ўтказиш учун ноҳия (шаҳар) халқ таълими бўлимларида иккита (фанларни чуқур ўрганганлар ва мавжуд ўқув режалари асосида ўқиганлар учун) мустақил ҳайъат (комиссия) тузилади. Ана шуларни инобатга олиб, халқ таълими бошқармалари вилоятдаги ноҳия (шаҳар)лар сони ҳамда у ерларда қайси фан чуқур ўрганилаётгани (сони) ва қайсилари мавжуд ўқув режалари асосида (қайси тилда) ўқитилаётгани (сони) кўрсатилган ҳолда Ўзбекистон халқ таълими вазирлигининг умумтаълим бошқармасига буюртма беради.

— Мавжуд шаҳодатнома ўзгарадими?

— Ҳа. Муқовалаш материалларини ишлаб чиқариш тўхтатилганлиги муносабати билан тўлиқсиз ўрта ва ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳномалар ҳамда шаҳодатномалар 1992 йил учун муқовасиз бланка кўринишида тайёрланади. Янги муқовасиз бланкалар фақат бу йилги битирувчилар учундир. Шу хусусда вилоятларга махсус хат жўнатилган.

Т. Абдуназаров, Оҳангарон ноҳияси халқ таълими бўлими методисти:

— Битирувчи синфларда олтин ва кумуш медалларга даъвогарлар учун алгебра ва анализ асослари фанидан янги вариантлар бўладими?

— Битирувчи синфларда олтин ва кумуш медалларга даъвогарлар учун битириш имтиҳони материаллари (диктант матнлари, иншо мавзулари, алгебра ва анализ асослари, геометрия фанлари бўйича топшириқлар) республика ўқув-методика маркази томонидан тайёрланиб, махсус хатжилд (пакет)ларда жойларга юборилади.

А. Хўжаев, Фарғона вилояти халқ таълими бошқармаси назоратчиси:

— 11 (12)-синфларда олтин ва кумуш медалга даъвоғар бўлган ўқувчилар адабиёт фанидан оғзаки имтиҳонни ноҳия комиссиясига ёки бевосита мактабга топширишадими?

—11 (12)-синфни битирувчи медалга даъвогарлар адабиёт фанидан оғзаки имтиҳонни бевосита ноҳия (шаҳар) халқ таълими бўлимлари қошида тузилган комиссияга топширишади.

Навоий вилояти Нурота ноҳияси халқ таълими бўлими мудири А. Расулов иккита савол билан мурожаат қилди:

— Янги йўриқноманинг бизгача етиб келишининг сабаби нимада?

— 1991 йил 1 февралда чиқарилган ва вазирлик томонидан тасдиқланган йўриқнома ўз кучида қолган ва у барча вилоятларга етказилган. Сиз ноҳия ёки вилоят халқ таълими (бўлими) бошқармасига мурожаат қилишингиз мумкин.

— Медалга даъвогарлар томонидан ёзилган ёзма ишларни ноҳия (шаҳар) халқ таълими бўлими ташкил этган махсус комиссия текширгандан сўнг вилоят халқ таълими бошқармаси текшириши шартми?

— Вазирлик томонидан қабул қилинган йўриқномага асосан ноҳия (шаҳар) халқ таълими бўлимлари комиссиялари кумуш ва олтин медал даъвогарлари ёзма ишларини текшириб, ўз хулосаларини бергандан сўнг у вилоят халқ таълими бошқармаларига юборилмайди. Агар даъвогар ўқувчилар махсус комиссиянинг ёзма имтиҳонларга қўйган баҳосидан норози бўлса, у ҳолда даъвогар вилоят халқ таълими бошқармасидаги низоли масалаларни ҳал этувчи комиссияга мурожаат қилиши мумкин. Бу комиссия арз юзасидан ўзининг сўнгги қарорини қабул қилади. Бу ҳақда ноҳия (шаҳар) комиссиясига ва даъвогарга маълум қилишади.

Ҳ. Худойназаров, Навоий вилояти Навбаҳор ноҳияси халқ таълими бўлими методисти.

— 9—11-синфларда алгебра фани ёзма имтиҳонларида ўтган йилдаги имтиҳон материалларидан фойдаланса бўладими?

— Вазирликнинг 1992 йил 16 январда чиқарилган «Ўзбекистон Республикаси умумий ўрта таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртларида 1991—92 ўқув йилини якунлаш, синфдан-синфга кўчириш ва битириш имтиҳонларини ўтказиш ҳақида»ги буйруғига асосан олтин ва кумуш медалга даъвогарлар учун алгебра ва анализ асослари, геометрия фанлари бўйича топшириқлар Республика ўқув-методика маркази томонидан тайёрланиб, жойларга етказилади. 9-синф ҳамда олтин ва кумуш медалга даъвогар бўлмаган 11-синф ўқувчилари Республика ўқув-методик маркази томонидан 1991 йили «Ўқитувчи» нашриёти томонидан битирувчи синфлар учун чиқарилган оғзаки имтиҳон билетлари ҳамда 9-синфлар учун алгебра ва анализ асосларидан ёзма имтиҳон материалларидан фойдаланишади.

А. Содиқов, Навоий шаҳар халқ таълими бўлими мудирининг ўринбосари:

Битирувчи 11-синф ўқувчилари учун ўз хоҳиши билан танлаган фани бўйича имтиҳон топшириши кўзда тутилган. Агар шу синф ўқувчилари бирорта фанни чуқур ўрганаётган бўлсалар, яна қўшимча фан танлайдиларми?

— Агарда буйруқ бўйича топширилиши лозим бўлган фандан ташқари битирувчилар бирор фанни чуқур ўрганаётган бўлсалар, шу фан юзасидан имтиҳон топширишса, унда қўшимча яна бирорта фанни танлаб олишга ҳожат йўқ.

САВОЛ-ЖАВОБЛАРНИ МУХБИРЛАРИМИЗ ЁЗИБ ОЛДИЛАР.

ЙИГИРМА ЙИЛ ЎТГАЧ...

Суратли лавҳа

Бир қарашда йигирма йил санаси катта муддатга ўхшамайди. Лекин...

Ҳа, бундан икки ўн йил илгари пойтахтнинг Ленин ноҳиясида 85-болалар боғчаси қурилиши битказилиб, ишга туширилганди. Бугун ана шу болажонлар маскани нафақат ноҳияда, ҳатто жумҳуриятда ҳар жиҳатдан ўрнак олса арзигулик даражадалиги билан ажралиб туради.

Боғчанинг пойдеворини қуришда иштирок этганлардан Шарофат Аҳмедова ҳамда Анна Ивановна Богатова орадан қанча йил ўтибдики, ҳамон жажжиларни тарбиялашда ҳамкасбларига ўрнак бўлиб келишмоқда. Умуман, бу жамоада раҳбарлик қилаётган Наима Тўраева учун ишлаш ҳар жиҳатдан яхши. Негаки, жамоада аҳиллик барқарор топган.

— Жамоамизда, аввало, турли миллат вакиллари ишлашади, — дейди Наима Тўраева. — Шунингдек, тарбияланаётган жажжилар ҳам ҳар хил миллатга мансуб. Шунга қарамай, бизда ишлаш, болакайлар билан шуғулланишга барча имкониятлар мавжуд. Боғчамизда турли хилдаги кечалар, ота-оналар билан учрашувлар, ноҳия болалар боғчалари ўртасидаги айрим мусобақалар ўтаётганлигини фахр билан тилга олсак бўлади. Албатта, шарт-шароитни яратишда, энг аввало, оталик ташкилоти ҳамда ота-оналар ва маҳалла қўмиталарининг беғараз ёрдамларини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Ўн икки йилдирки, таъмириба-ишлаб чиқариш автокорхонасининг (ЭПАП) боғчамизни ҳар жиҳатдан юксалишига кўрсатаётган ғамхўрликлари шарт-шароитимизни яхшилаб олишга имкон яратиб бермоқда.

Шунингдек, болажонларнинг соғлом ўсишларига ҳам ана шу корхона ташаббускорликни қўлга олган. Масалан, 120—140 нафар болакайни бирйўла қабул қила оладиган санаторий-профилакториясини ҳам улар бизга тақдим этишган.

Хуллас, боғчамиз бугун ўзининг йигирма ёшини нишонлаётган экан, имоним комилки, бундан кейин ҳам шароитнинг қандай бўлишидан қатъий назар, унинг келажаги учун заминни ҳозирлаб бораверамиз.

Мухбиримиз Суратларни К. АГАМЛЯН олган.

Халқ таълими фидойилари

АСАКАЛИК ҲАЗРАТИ ИНСОН

Ҳақиқий ўқитувчи, ўз умрини ёш авлоднинг таълим-тарбиясига бахшида этган киши, ҳатто, қарилик нафақасига чиқиб, кексалик гаштини сураётган пайтда ҳам тиним билмас экан. Уни ҳамиша нимадир жамоат ишларига аралашишга, фаолликка ундаб тураркан. Буни асакалик педагог Собиржон Мамарасулов мисолида ҳам кўриш мумкин. У кишининг педагоглик фаолиятини бошлаганига 50 йил тўлди. Бугун у қарилик нафақасида. Аммо қалби ёшлар билан боғланиб қолганлиги учунми, ҳозир ҳам узоқ йиллар ўзининг хизмати сингиган Асака савдо техникуми ётоқхонасида ёшлар тарбиячиси бўлиб хизмат қилаяпти. 7 фарзанднинг отаси, 18 набиранинг бобоси. Домланинг шогирдлари эса беҳисоб.

Собиржон ака муаллимлик фаолиятини талабаликданоқ бошлаб юборганди. Асакадаги ўқитувчилар тайёрлайдиган илмгоҳни имтиёзли диплом билан тамомлаганида уруш қизғин давом этарди. 1942 йили у она-Ватан ҳимоясига отланди. Курск, Орёл, Белгород шаҳарларини фашистлардан тозалашда фаол иштирок этди. Аммо 1943 йилнинг июль ойида иккала оёғидан оғир яраланди. Турли шаҳарлардаги госпиталларда ётиб даволанди. Тақдир экан, 1944 йили иккита қўлтиқтаёқда остона ҳатлаб уйига кириб келди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ўзининг меҳр қўйган касби — муаллимликни бошлаб юборди. Асакадаги бир неча ўрта мактабда, мактаб-интернатда оддий муаллим, илмий бўлим мудири ва директор бўлиб ишлади. Ёшларга сидқидилдан таълим-тарбия берди, муаллимларнинг иш фаолиятини бошқариб борди.

Собиржон аканинг ярим асрлик иш фаолиятидан роса 25 йили Асакадаги савдо техникумида ўтди. У киши мазкур ўқув даргоҳининг биринчи директори эди. 1986 йили эса ҳурмат-эҳтиром билан шу лавозимдан қарилик нафақасига узатилди.

Ушбу савдо техникумининг ташкил этилиши 1966 йил апрель ойида содир бўлган Тошкент зилзиласи билан боғлиқ. Тошкентда кучли ер қимирлагач, раҳбарлар олдида зилзила оқибатларини тугатиш қаторида айрим ўқув юртларини вақтинча бошқа шаҳарларга кўчириш муаммоси ҳам турарди. Шу сабабли Тошкент савдо техникуми Асакадаги 5-мактаб-интернат биносига кўчириладиган бўлди. Домла у пайтда мазкур интернатда директорлик лавозимида ишларди. Мактаб-интернат қисқа вақт ичида тарқатилди. Бу масъулиятли вазифани бажариш Собиржон аканинг зиммасига тушди. Албатта, вазият жуда оғир эди. Аммо мазкур муаммо уч ой давомида шундай силлиқ, узил-кесил ҳал қилиндики, натижада мингдан ортиқ ўқувчи ва 150 нафардан иборат жамоа аъзоларидан ҳеч ким сарсон бўлмади. Уларнинг ҳаммаси ўқишга ва маоши камайтирилмаган ҳолда ишга жойланди.

Афсуски, интернат тарқатилганидан кейин унинг ўрнига техникум кўчириб келтирилмади. Тошкентдаги сейсмологик вазият бироз енгиллашганидан кейин техникумни ўз жойида қолдирадиган бўлишибди. Унинг ўрнига Асака шаҳрида Тошкент савдо техникумининг бўлинмаси ташкил этилди.

Шу йили ўқув даргоҳининг кундузги, кечки ва сиртқи бўлинмаларига 400 ўқувчи ва 15 нафар ўқитувчи ходим қабул қилинди. Собиржон ака эса бўлинма мудири этиб тайинланди. 1967 йили бу зиё маскани мустақил техникумга айлантирилди ва домла унинг директори бўлиб қолди.

Шундай қилиб, Асакада ташкил этилган савдо техникуми орадан 20 йил ўтгач, жумҳуриятимиздаги ўрта махсус ўқув юртлари орасида ўқув-моддий асоси мустаҳкам, илғор техникумлар қаторига чиқиб олди. Бунда, албатта, Собиржон аканинг, у етиштирган ўнлаб шогирдларнинг, техникум жамоасининг хизматлари каттадир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Собиржон Мамарасуловнинг она-Ватанимиз олдида қилган меҳнатлари ўз вақтида муносиб тақдирланган. Айни вақтда домланинг кўксини ҳукуматимизнинг қатор орден ва медаллари безаб турибди.

А. ҲАЙДАРОВ.

МЕҲНАТИ ЭЪЗОЗ ТОПДИ

Санг қишлоғидаги 27-ўрта мактабда кўп йиллар мобайнида маориф соҳасида фаолият кўрсатган таниқли муаллим Р. Ҳайдаров хотирасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Р. Ҳайдаров ўта талабчан ва жонкуяр устоз эди. Эртаю кеч фикри-зикрини келажак авлод билими, истиқболи ҳақидаги ўйлар тарк этмади. У ўз ўқувчиларининг фидойи, меҳнатсевар, эл ишига камарбаста инсонлар бўлиб етишиши учун бутун куч-ғайратини ва билимини аямади.

Дарҳақиқат, эл-юрт учун ҳалол меҳнат қилган, бутун умрини ёш авлодлар таълим-тарбиясига бахшида этган Раҳмонали Ҳайдаров хотираси мангуликка дахлдордир. Шу сабабли мактаб жамоаси йиғилишида устоз фаолият кўрсатган 27-мактабга унинг номини бериш лозим топилди.

В. САИДОВА.
Наманган вилояти.

Инсон ва жамият ўқитувчиларига ёрдам

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ МУАММОЛАРИ

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги шароитида турли минтақалардаги илмий-техника тараққиётини ривожланиш жараёнини ўрганиш муҳим масала ҳисобланади. Албатта, бу жараёнлар универсал ҳарактер касб этади, улар турли мамлакатларда ишлаб чиқариш кучларини ривожланиш шакли сифатида, социал-иқтисодий тузумидан қатъий назар, ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, аҳолини ўсиб бораётган моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришда муҳим роль ўйнайди.

Лекин айрим давлатларнинг социал-иқтисодий ривожланиш шароити, саноат ва қишлоқ хўжалик комплекслари ташкил топиши, оғир индустрия таркибининг характери бир хил эмас, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг даражаси мамлакат айрим районлари ижтимоий-иқтисодий тараққиёти хусусиятларини, суръатини ва унинг янги ютуқларини жорий қилиш миқёсини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасида меҳнат воситаларининг принципиал жиҳатдан янгиларини изчил қўллаш, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларини сифат жиҳатдан янгилаш амалга оширилмоқда. Фан, техника ва технология ривожланмоқда, прогрессив материаллар ишлаб чиқилмоқда, меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари қўлланилмоқда.

Амалдаги корхоналарни таъмирлаш ва қайта қуроллантириш амалга оширилмоқда, натижада улар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, маҳсулот сифатини ўсиши, меҳнат унумдорлигини ошириш, барча турдаги ресурсларни тежашнинг муҳим омилига айланмоқда. Саноат роботларининг сони, комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари, программали бошқариладиган станоклар сони ўсди, шунингдек эластик (эгилувчан) ишлаб чиқариш системалари, ЭҲМ ва шахсий компьютерлар, бортлар ва работли, конвейерли линиялар, лазерли ва бошқа технологиялар сингари илмий-техника инқилобининг ҳозирги замон ютуқлари қўлланилмоқда.

Шу билан биргаликда республикада ижтимоий-иқтисодий тараққиёт суръатлари етарли эмас, янги, юқори самарали техника ва технология турларини интенсив қўллашда орқада қолишлар мавжуд, тўсиқларни бартараф қилиш механизми секин жорий қилинмоқда.

Республикадаги кўпчилик корхоналарнинг ишлаб чиқариш воситалари эскирган бўлиб, алмаштиришни талаб қилади. Машиналар ва бошқа техникаларни янгилаш суръатлари, айниқса, ёқилғи, машинасозлик, енгил ва озиқ-овқат сингари етакчи тармоқларда ҳам маблағ ва ишлаб чиқариш воситалари етишмаслиги сабабли ҳозирги замон талаблари даражасидан орқада қолмоқда.

Кўпгина корхоналарда ишлаб чиқариш моддий-техника базасини қайта ташкил этиш малакасиз қўл меҳнати ва оғир меҳнатни қўллаш соҳасини қисқартиришга, иш шароитини яхшилашга кам эътибор берилмоқда. Республика корхоналарининг асосий қисмида қўл меҳнати 50-60 фоизни ташкил этади.

Қўл меҳнатининг ҳиссаси, машина ва механизмларни ремонт қилишда, поток линияларида, механизациялаштирилган ва ҳаттоки, автоматлаштирилган бўғинларда ҳам каттадир.

Системалаштирилган машиналар ўрнига ишлаб чиқариш воситалари технологияси ва ишчи кучининг даражасига мувофиқ келадиган айрим юқори унумли машиналарни, янги техникани қўллаш самарадорлигини анча пасайтиради. Ҳали қўл меҳнатининг ҳиссаси юқори бўлган транспорт, ортиш-туширишда, цехлараро ва омбор ишларини комплекс механизациялаш секинлик билан жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида илмий-техника тараққиётининг ривожланиш вазифалари унинг барча тармоқларини тубдан реконструкция қилиш, комплекс механизациялаш, автоматлаштириш, информатика индустрияси ютуқларини жорий қилиш, натижада оғир жисмоний ва паст малакали қўл меҳнати ҳиссасини тубдан қисқартирувчи, унинг унумдорлигини оширишни таъминловчи масалаларни ҳал этишни талаб қилади. Юқори самарали техника, машиналар системаси, прогрессив материаллар, транспорт воситалари, айниқса, микроэлектроника, биотехнология, самарали энергетика манбалари ривожланиши билан боғлиқ бўлган янгиликларни кашф қилишни ва ишлаб чиқаришни тезлаштириш керак.

Ихтирочилик ва рационизаторлик таклифларини жорий қилишни тезлаштиришнинг, ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи тармоқлар маҳсулотини тубдан янгилашнинг комплекс тадбирларини жорий қилиш муҳим аҳамиятга эга. Буларнинг ҳаммаси ишлаб чиқаришга интенсив усулларни жорий қилиш имкониятини беради.

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

Ҳозирги илмий-техника тараққиёти шароитида ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш муаммоси комплекс, асосий ҳисобланади. У ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ривожланишининг турли томонларини қамраб олади, уларни поғонама-поғона ҳаракатининг тенденцияларини, фанни ишлаб чиқариш билан қўшилиб кетишини очиб беради, меҳнат жамоалари билан меҳнаткашлар ўртасида ўзаро алоқани, ижтимоий ишлаб чиқаришни янада кўтаришни иқтисодий рағбатлантирувчиларини характерлайди.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мулкчиликнинг турли шаклларини қўллаш билан бевосита боғлиқ. Иқтисодиёт ривожланишини моддий неъматлар тақсимоти, айирбош ва истеъмолини ҳаракатлантирувчи мотивлари ва рағбатлантирувчиси бўлиб, моддий, молиявий ресурсларни ва инсон омилини қўлланиш характери ҳисобланади ва ниҳоят бу жараёнда бутун хўжалик тизимининг ютуқлари ифодаланади. Шунинг учун ҳам фақат илмий-техника тараққиёти ютқларини қўллаш йўли йўли билан ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш асосида Ўзбекистон халқ хўжалиги ривожланишининг туб масалаларини муваффақиятли ҳал этиш мумкин. Фақат шу асосда республикани иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, аҳоли кенг истеъмоли товарларини ишлаб чиқаришнинг муҳим масалаларини ҳал этиш, аҳоли эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, Ўзбекистонни мустақил давлатлар ҳамдўстлигида ва халқаро даражадаги мавқеини мустаҳкамлаш мумкин.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги ютуқларга эса халқ хўжалигини турли бўғинларидаги — корхона (фирма), уюшма, бирлашма тармоқ ва бутун Ўзбекистон иқтисодиётини характерловчи барча кўрсаткичлар тизимини доимий яхшилаш орқалигина эришиш мумкин. Бундай кўрсаткичлар жумласига иқтисодий ўсишнинг янги сифатини ҳисобга олган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш суръатлари, меҳнат унумдорлигини ошириш, рентабеллик, фонд қайтими, ресурсларни қўллаш самарадорлиги киради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини муҳим омили бўлган меҳнат унумдорлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш муҳимдир. Меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан ишлаб чиқариш ҳаражатлари, ҳар бир бирлик маҳсулотга сарфланаётган иш вақти камаяди, товарлар ишлаб чиқариш кўпаяди. Меҳнат унумдорлигини ошириш бу жараёнга таъсир қилувчи барча омиллар ва мавжуд резервларни ҳар томонлама қўллашни талаб қилади. Бу омиллар жумласига илмий-техника тараққиёти, ишчиларни профессионал ва меҳнатни ташкил этиш, иқтисодий рағбатлантириш киради.

Асосий ишлаб чиқариш фондларини рационал қўллаш иҳтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишининг муҳим кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида бу фондларни бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш билан банд бўлган фаол қисми машина ва ускуналар ҳиссасини оширишга барча имкониятлар бор. Улар қанчалик яхши қўлланса, республика шунчалик кўп маҳсулот ҳажмига, таннарх пастлигига эга бўлади.

Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичлари ўсишида маҳсулот материал харажатлари сиғимини камайтириш муҳим ўрин эгаллайди. Маҳсулот материал харажатлар сиғими ҳар бир маҳсулот бирлигига хомашё, материаллар ва бошқа ресурслар умумий харажатларининг камайтирилишини билдиради. Маҳсулот материал ҳаражатлари сиғимини камайтириш илғор конструкторлик ютуқларини жорий қилиш, технологик жараёнларни такомиллаштириш, хомашё ва материалларни комплекс ва янада тўлароқ қайта ишлаш, чиқитсиз ишлаб чиқаришни жорий қилиш, иккиламчи ресурсларни тадбиркорлик билан қўллаш асосида эришилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг муҳим шарти — маҳсулот сифатини яхшилаш ҳисобланади. Фақат шу асосда машиналар, пойабзал, кийимлар, уй жиҳозлари, озиқ-овқат товарларига аҳолининг ўсиб бораётган талаблари қондирилади. Юқори техника даражасига эга бўлган, ишончли ва чидамли бўлган истеъмол товарларни ишлаб чиқариш, турини доимо яхшилаш ҳамда янгилаш ва бошқалар аҳоли реал даромадларининг оширилишига, истеъмол таркибини ўзгаришига олиб келади.

Республиканинг барча меҳнат жамоалари олдида илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, технологик интизомга қатъий амал қилган ҳолда назоратнинг самарали усулларини қўллаш ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш ва жавобгарлигини ошириш ҳамда уларни маълум бир маҳсулотни чиқаришдаги монопол ҳуқуқини бартараф қилиш асосида маҳсулот сифатини ошириш юзасидан катта вазифалар турибди. Бу мураккаб вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши эса Ўзбекистон иқтисодий мустақиллигига қўшилган ҳисса бўлади.

ҚЎШИМЧА САВОЛЛАР:

1. Ўзбекитон Республикасида илмий-техника тараққиётини ривожланишида қандай зиддиятлар бор? Сизнингча, уларни ҳал этиш учун нималар қилиш керак? Жавобингизни асосланг.

2. Ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни қандай кўрсаткичлар характерлайди ва уларни яхшилаш учун нималар қилиш керак?

М. ПЕРПЕР,
профессор.
И. САЛОМОВ,
доцент.

КЎРИК-КОНКУРС ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Тарбиячи деганда олижаноб, ширинсухан ва кулиб турган бир инсон кўз олдимда намоён бўлади.

Қарши шаҳар «Журавлушка» болалар боғчасида «Тарбиячи-92» кўрик-танлови бўлиб ўтди. Бу кўрик-танловда шаҳардаги 17 та болалар боғчасидан тарбиячилар иштирок этдилар.

Бугунги ўтказилган конкурсда ажойиб, гўзал, талантли тарбиячиларни кўриб баҳри-дилимиз очилди. Улардаги миллийлик, ўзбек тилида шеър ва эртакларни, қўшиқ-рақсларни моҳирона ижро этишлари мени жуда қувонтирди. Қизларимиздаги ибо, нафосат, ўз тарбиячилик касбларига бўлган муҳаббат яққол кўриниб турарди.

«Шўртангаз»га қарашли Нодира номли ва 7-сонли болалар боғчалари ўзларининг чиройли, жозибали чиқишлари билан ҳаммани хурсанд қилдилар. Аммо ўрни келганда айтиб ўтиш жоиз, ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигига қарамай танловда бунга ҳеч қандай, эътибор берилмади. Шунингдек, конкурс дастури пухта тайёрланмаган ҳайъат аъзолари дастур билан таниш эмаслиги танлов мобайнида яққол кўринниб қолди.

Танловда рус гуруҳлари тарбиячилари 1, 2, 3-ўринларни олдилар, ўзбек гуруҳлари тарбиячиларига биророта ўрин берилмади. Ваҳоланки, ўзбек тарбиячиларининг орасида ҳам бу ўринларга муносиб тарбиячилар бор эди.

Ачинарлиси шундаки, танловда тузилган дастур бугунги кун талабига жавоб бера олмайди.

Ҳайъат аъзолари вилоят, шаҳар халқ таълими ходимларидангина ташкил топмай, балки кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган илғор, тажрибали тарбиячилардан, мусиқа раҳбарларидан, педагогика билим юртининг ўқитувчиларидан тузилган бўлиши керак эди.

Д. ЭРГАШЕВА,

Қарши шаҳридаги Охунбобоев номли педагогика билим юртининг мусиқа ўқитувчиси.

САВОДХОНЛИККА ЙЎЛ

Ҳаётда ким қандай касб ёки ҳунар эгаси бўлишидан қатъий назар, у энг аввало, саводини ўқитувчи қўлида чиқаради. Бугун мактабда таълим олаётган ўқувчи эртага олий ўқув юртининг талабаси ёки жамиятда ўз ўрни, эътиқоди, ишончи ва дунёқарашига эга бўлиши учун интилаётган, шаклу шамойилини топаётган инсон...

Боланинг шаклланиш жараёни, биринчи навбатда, ўқитувчининг билим савиясига боғлиқ бўлса, иккинчидан, ўқувчи таълим олаётган муҳитга ҳам боғлиқдир. Эртанги кун пойдеворини яратиш учун биринчи ўқитувчи не-не заҳматларни чекмайди, дейсиз. Чунки мустаҳкам пойдеворсиз бинони қуриб бўлмайди.

Саломат Ғаниева минглаб фарзандларга биринчи ҳарфни танитган. Бу йўлда озмикўпми заҳмат чеккан, савияси юксак, ширинзабон зиёкорларимиздандир. Йигирма йил бўлибдики, у ҳаётини биринчи «пойдевор» қўйишдек мураккаб бўлган бошланғич синф ўқитувчилигига бағишлади. Бугун унинг синфида ўзгача айём, ўзгача файз. Унинг олти ёшли биринчи синф ўқувчилари «Алифбе» билан хайрлашиб, «Ўқиш» китобини бошламоқчилар.

Саломат опа 6 ёшли болаларни биринчи синф қилиб ўқитаман деганида унга ҳамма ҳавас қилишганди, ҳам ҳайрон бўлишганди. Бошқа мактабларда олти ёшлиларни ўқитиш анча мушкул деб етти ёшли болаларни ўқитиш жорий этилди, аммо Саломат опа ўз фикрида қаттиқ туриб олди ва ўзи ишлаётган Собир Раҳимов ноҳиясидаги Фурқат номли 196-мактабда олти ёшли болаларни ўқитишга астойдил киришиб кетди. Бугун эса ўша болалар ҳарф таниб, ўз саводини чиқарди. Жажжиларнинг чеҳрасидаги қувончнинг чеки йўқ.

Ҳар бир ўқувчи, 35 та ҳарфнинг бошловчиси бўлиб уларни шеърий таърифлади, сўнгра «Ўқиш» китоби кириб келди, уларнинг саводлари чиққани билан табриклаб, китобни йиртмасдан озода тутишларини, ҳеч тўхталмасдан равон ўқишларини сўради. Ўқувчилар ўзлари ёдлаган шеър, қўшиқ, рақсларни ижро этдилар. Бугунги байрамни кўриб дилингиз қувнайди, чунки эндигина 6 ёшга тўлган болалар бемалол шеърларни шариллатиб ўқирди. Айниқса, то бир ҳарфни ўргатиб, саводхон қилгунча ўқитувчи қанча заҳмат чекди экан, бугун устознинг кўзларида қувонч, юзларида мамнунлик. Ҳар бир ўқувчисини у уйидаги 10 нафар фарзандини тарбиялагандек меҳр билан тарбиялади, ўқитди. Айниқса, бугунги «Алифбе» билан хайрлашув кечасининг охирида жажжигина ўқувчининг Қуръон тиловат қилиб, қўл кўтариб катта йигит-қизлар бўлайлик, бахтимизга устозларимиз, ота-оналаримиз соғ-саломат бўлишсин, юртимизда, тўкинсочинлик, арзончилик бўлсин, деб юзига фотиҳа тортгани ҳаммани мамнун қилди. Чунки бегуноҳлар дуоси, албатта, мустажоб бўлади-да! Шу кунги «Саводли бўлдим» кечасида қатнашган ота-оналар ва мактаб жамоасига болалар чиндан ҳам ўзларининг ўқиш ва ёзишни яхши ўзлаштира олганларини намойиш этдилар. Кечада иштирок этган шоира Умида Абдуазимова жажжилар қалбига завқ солувчи, уларни аъло ўқишга, ўқиганларини дилдан ўқишга ундовчи шеърларидан ўқиб берди.

С. ҲАСАНОВА.

С. ҚОРАБОЕВ тасвири.

ФАРЗАНДЛАР СОҒЛОМ БЎЛСИН ДЕБ

Яқинда мухбиримиз Оҳангарон ноҳия бирлашган марказий шифохонасининг бош ҳокими, Тошкент вилоят Кенгашининг нонби Тоҳир ПАТТОҲОВИЧ ҚАЮМОВ билан суҳбатлашди.

— Яширишнинг ҳожати йўқ, фақат ўтган чақирувнинг ўзидаёқ анчагина ҳарбий хизмат ёшидаги болалар турли хасталиклар туфайли армия сафига олинмади, вилоят бўйича эса армияга олиниб, сўнг ўша ерда хизматга ярамай қайтиб келганларнинг сони бундан ҳам кўпроқни ташкил этаркан. Шу ҳақда гапириб бермангиз.

— Бунинг сабаблари кўп. Аввало турмушимизнинг иқтисодий заифлиги, мева-чеванинг ичида бўлиб, уларни тўйиб емаслик, болаларни овқатлантиришдаги тартибсизлик ва ниҳоят ота-оналарнинг ўз фарзандлари соғлиғига бефарқлиги — буларнинг барчаси ўтган етмиш йилдан кўпроқ муддат ичида куни чо-ю нондан нари ўтмаган ўзбекнинг фожиасидир. Бугунги иқтисодий қийинчиликлар эса бундай аҳволни янада жиддийлаштириши мумкин.

— Демак, бундан кейин ҳам аҳвол шу зайлда давом этаверар экан-да?

— Нега? Биз бу ҳақда анчадан бери амалий тадбирлар белгилаб, уни изчил амалга ошираяпмиз. Жумладан, фақат Оҳангаронинг ўзида фарзандларимизнинг соғ-саломат ўсиши учун бир қанча тадбирлар амалга оширилди: ноҳия марказида бир йўла 100 норасидаларни қабул қиладиган болалар шифохонаси ишга туширилди, болалар учун сут тарқатиш маркази ишлаётганига анча бўлди, болалар тишларини даволовчи шифохона кўпдан бери кичкинтойларни қабул қилаётир. Сусам, Қорахтой, Облик, Теловдаги хастахона ва шифохоналарда махсус болалар бўлимлари ишлапти. Уларнинг аксарияти малакали болалар врачлари билан таъминланган. Булардан ташқари ноҳиядаги барча мактабларнинг ўқувчилари учун болалар врачлари ажратилган. Улар мактабларда, боғчаларда, маҳаллаларда тез-тез бўлишиб, фарзандларимизнинг соғлигини назорат қиладилар. Айни пайтда болаларнинг турли касалликларга чалинишларининг олдини олиш мақсадида зарур тиббий-профилактик тадбирларни амалга оширадилар. Оҳангарон шаҳридаги ҳамма ўрта, ноҳиядаги 1, 10, 12, 38-ва бошқа мактаблардаги тиббий пунктлар болалар саломатлигини назорат қилмоқда. Яна шуни айтиш жоизки, фақат ўтган йилнинг ўзида ноҳиядаги ҳар бир ўқувчи ва чақалоқ учун ўрта ҳисобда 59 сўмлик дори-дармонлар сотиб олиниб, уларнинг каттагина қисми болалар соғлигини тиклашга сарф этилди. Ҳозирги кунда ноҳия бўйича фақат болаларнинг саломатлигини назорат қилиш ва даволаш бўйича ўн бешдан ортиқ малакали врач, 49 та ўрта тиббий мутахассис, 120 нафардан кўпроқ тиббиёт ҳамширалари меҳнат қилаётир.

— Кўрилган бу тадбирлар қандай самара бермоқда?

— Эришилган самаралар жуда қувончли. Агар ўтган йилга нисбатан оладиган бўлсак, аввалги даврга нисбатан чақалоқлар ўлими 73 фоиз, болалар ўлими 58 фоиз, ўсмир ёшлар ўлими 81 фоиз камайди. Бироқ булар бизни қаноатлантирмайди. Ноҳияда болаларни, айниқса, мактаб ёшидаги болаларнинг саломатлигини яхшилаш учун жўда кўп ишларни амалга оширмоқчимиз: улар учун тиббий дори-дармонларга ажратиладиган маблағ икки баравар кўпайтирилади. «Оҳангаронцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «аллақудуқ» чорвачилик комплексидаги профилакторийларда болаларни даволаш учун махсус жойлар ажратилади. Болалар учун бу ерларга давлат ҳисобидан бепул йўлланмалар олиш, шу усул билан камида бир йилда 100 дан ортиқ ўқувчининг саломатлигини тиклашни йўлга қўйиш масаласи ҳал этилаётир. Бундан ташқари, ноҳия агросаноат бирлашмасининг «Чорвадор» дам олиш уйини болалар санаторийсига айлантириш юзасидан мен халқ нойби сифатида тегишли ташкилотлар билан зарур ёзишмалар олиб бораяпман. Менимча, масала ижобий ҳал этилса керак. Айниқса, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳам бу хусусда бизга ёрдам беришини истардик.

Ҳозирги кунда ноҳиямизда фақат болаларнинг соғлигини назорат этиш ва даволаш учун педиатрлар, рентгенологлар, окулистлар, онкологлар, дерматологлар, психиаторлар етишмайди. Аммо шунга қарамай, биз ўтган йилнинг кузидаёқ ўз йўлланмамиз билан ўн бешдан ортиқ йигит ва қизларни тиббиёт олий ўқув юртларига киритишга муваффақ бўлдик. Албатта, бу ишлар яқин келажакда ўз самарасини беради.

— Тоҳир Паттоҳович, менимча, Ўзбекистонимизнинг мустақиллиги, аввало, боғча ва мактаблардан бошланиши керак. Аммо аксари мактабларимизнинг аҳволига рази соладиган бўлсак, кишининг дили ғаш бўлади: айни қиш чилласига келиб, боғчаларимизда, мен қишлоқ боғчаларини назарда тутаяпман, кўмир тамом бўлади, кўпчилик мактабларимизнинг бинолари эски, болалар совуқ хоналарда қалтираб ўтириб «дарс тинглайдилар». Оқибатда турли касалликларни орттириб оладилар.

— Бу бизга маълум. Лекин на чора, хўжаликларимизнинг раҳбарлари экинлардан мўл ҳосил олиш учун қатъий ҳаракат қилаяптилар-у, ҳар томонлама мукаммал боғчалар қуриш тўғрисида ўйламаяптилар. Улар сигирлар ва қўйлар учун иссиқ хоналар қураяптилар-у, мактаблармизнинг аҳволини яхшилаш чораларини жуда секинлик билан амалга ошираяптилар. Ўзингиз ўйлаб кўринг, ўтган етмиш тўрт йил бадалида ноҳияда биронта ҳам типовой мактаб қурилмаса-я! Бироқ ноҳия раҳбарияти бу масала билан ҳозир жиддий шуғулланмоқда. Шу бир икки йил ичида ўнга яқин янги мактаб бинолари қурилиб, фойдаланишга топширилади. Синфлар иссиқ, ошхоналари етарли миқдорда маҳсулотлар билан таъминланади.

— Сиз юқорида ноҳияда болалар ўлимининг олдини олиш бўйича анчагина ишлар қилингани тўғрисида гапирдингиз. Уларда бевосита иштирок этган тиббиёт ходимларини айтиб бермайсизми?

— Биз ёшларимизнинг саломатлигини сақлаш, уларни даволаш ва болалардаги айрим касалликларнинг олдини олишда нимага эришган эканмиз. Бунда албатта, ноҳия Марказий шифохонасининг иқтидорли врачлари Мавлудахон Ўринбоева, Турсуной Алиева, Озода Ҳусанова, Михаил Ким, Марямхон Абдулҳақова, Замира Қурманаева, Сайидбурхон Қодирхонов, Январ Сулаймонов ва бошқаларнинг катта меҳнатлари борлигини унутмаймиз. Аммо баъзан қилган меҳнатларимиз ҳам зое кетаётганини кўрамиз.

Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг ижара усулига ўтилиши муносабати билан кўпчилик ота-оналар ёз пайтларида ўз имкониятларидан ортиқча ер участкалари олиб, уларда мактаб ёшидаги фарзандларини бутун ёз бўйи чарчатиб ишлатганини ҳамда шу сабабли вақтида дам олмаган ёш организмнинг кузга бориб турли юқумли касалликларга чалиниб қолганлигининг ҳам гувоҳи бўлаётирмиз. Эсимда бор, сиз бу ҳақда 1988 йилда «Ўқитувчилар газетаси»да «Олмослик пудратчи болалар» мақолангизда ҳудди шу ҳолатларни танқид қилган эдингиз. Афсуски, айрим ота-оналар куннинг қизиғида, оғир қишлоқ хўжалик ишларида ҳали ҳам вояга етмаган болалари кучидан меъёридан ортиқча фойдаланишни давом эттирмоқдалар. Бироқ биз худди шу масалада яқин кунларда халқ нойблари ноҳия кенгаши мажлисига махсус масала тайёрлаяпмизки, у албатта, худди шундай нуқсонларга барҳам беришига ишонгим келади.

— Тоҳир Паттоҳович, нима дейсиз, фарзандларимиз соғлигини сақлаш ишлари бундан кейин яхшиланадими?

— Ҳозирги кунларнинг ўзида фақат болалар касалликлари учун дори-дармонлар билан савдо қилувчи янги дорихона қурилаётир. Марказий касалхонада ёшлар ва чақалоқларнинг саломатлиги билан боғлиқ стерилизация ва реанимация, қон қуйиш бўлимларига мўлжалланган янги бинолар барпо этилмоқда. 60 ўринли туғруқхона биноси ҳам бу йил ишга тушади. Эпалакда 150 ўринли янги шифохона, айни пайтда болалар бўлими ишлайдиган поликлиника, парҳез таомлари ошхонаси ва бошқа муассасалар учун барпо этилаётган биноларни вилоят Кенгашининг нойби сифатида ўз назоратимга олганман. Шу йилнинг охиригача бу объектлар ишга тушади. Ҳар бир йирик аҳоли пунктида шу йилнинг ўрталаридан бошлаб малакали болалар врачлари иш бошлайди.

Мен ҳалқ нойби сифатида мактабларнинг ошхоналарида тайёрланаётган овқатларнинг сифатини яхшилаш масаласини ҳам ўз зиммамга олганман. Ҳозирча бу борада анчагина ишлар қилинди. Шуларнинг ўзиёқ фарзандларимизнинг бундан кейинги саломатлиги яхши бўлади, дейишимизга асос беради.

Суҳбатни Мўмин ҚАЮМ ёзиб олди.

Мулоқот

ЯНГИЧА ТАЛҚИН

Педагогикада узлуксиз таълимни муҳим бир тарбия системасига айлантириш учун олимлар томонидан жуда катта саъйи-ҳаракатлар қилинмоқда.

Узлуксиз таълим бола олий маълумот олгунга қадар бўлган таълимий-тарбиявий фаолияти ҳамда кейинги жамоатчилик тарбиявий ўчоқлари фаолияти тизимининг умуминсоний фазилатларни тарбиялаш йўлидаги хатти-ҳаракати тўлиқ ҳолда талқин этилади. Шу нуқтаи назардан қараганда, умуминсоний тарбияда узлуксиз таълим-тарбия муаммоларини текшириш педагогик таълим олдида турган янги соҳадир.

Муҳим соҳа юзасидан текширишлар олиб боришнинг ўзи ҳам янгиликдир. Муаммонинг ана шу томонини эътиборга олганда, педагоголим Жўра Йўлдошев қаламига мансуб бўлган, яқинда «Ўқитувчи» нашриёти томонидан чоп этилган «Узлуксиз таълим: малака ошириш муаммолари ва ечимлари» номли рисола шу масала ечимига бағишланган-дир.

Рисола муаллифи узлуксиз таълим ҳақида фикр юритар экан, таълим-тарбия йўналишининг асосий босқичларидан бири — малака ошириш муаммолари ва уларнинг ечими ҳақида бой илмий ва амалий маълумотлар беради, узлуксиз таълимнинг ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий асослари ҳақида ибратли фикрлар баён этади. У ёзади: «Таълим-тарбияни янги босқичга кўтаришда ўқитувчи ҳал қилувчи шахсдир. Ўқув дастурлари, режалари ва дарсликлар ҳар қанча такомиллаштирилмасин, ҳатто замон талаблари асосида яратилган бўлмасин, уларни ўқувчига етказувчи, сингдирувчи ўқитувчидир. Шунинг учун ҳам халқ таълимини қайта қуриш инсон омилига келиб тақалади» (3-бет).

Муаллиф мазкур фикрларни бекорга ўртага ташламайди. Унинг ёилсиласида ўқитувчиларнинг таълим-тарбия соҳасида ўз билим савияларини замон талабига мослаш шарт эканлиги ҳақидаги умидбахш ғоялар бор.

Китобнинг долзарб, замонавийлигини белгиловчи муҳим омил — унда узлуксиз таълимнинг моҳиятини мактабгача тарбиянинг роли, умумий ўрта таълим асоси таҳлили, малака ошириш ва унинг турли кўринишлари, мазмуни, таълимнинг фаол усуллари, курсларни ташкил этиш ва уларни якунлаш методлари таҳлили орқали кўрсатиб берилган.

Рисола муаллифи халқ таълимини қайта қуриш борасидаги ички имкониятлар «илғор, ижодкор, бунёдкор, фидойи ўқитувчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш»дир деб таъкидланади. Шунингдек, муаллиф узлуксиз таълимда малака ошириш ҳақида гапирар экан, у ўқитувчининг жамият тараққиётида фан-техника янгиликлари, турли ахборотлар билан ошно бўлиб бориши шартлигини айтади. Бироқ, ўқитувчилар малакасини ошириш ишлари, ҳозирда уларнинг ўсиб бораётган шахсий эҳтиёжлари ўринли танқид қилинади ва камчиликларни тўғрилаш йўллари методик жиҳатдан тўғри кўрсатиб берилади.

Хуллас, педагогика фанлари номзоди Жўра Йўлдошевнинг мазкур монографияси ўзбек педагогикасидагина эмас, умуман туркий педагогикада узлуксиз таълимни такомиллаштириш соҳасида ўқитувчиларимиз учун янги тадқиқотдир.

Ҳ. УЗОҚОВ,

тил ва адабиёт илмлари номзоди, доцент.

БОЛА АЗИЗ...

(Муштарийлар мактубларини ўқиб)

Туғиб ташлов билан бўлмас бола, бўлгай бало сизга,
Вужуди тарбият топса, бўлур ул раҳнамо сизга.
Темирчининг боласи тарбият топса, бўлур олим,
Бузулса хулқи, Луқмон ўғли бўлса, бўлғуси золим.

Нақадар топиб айтилган. Абдулла Авлонийнинг ушбу шеърий сатрлари худди кечагина битилгандай ва таҳририятимизга муштарийларимиздан келаётган хатларга ҳамоҳанг.

Ҳа, ёш авлод тарбияси ҳозирги кунда мактаб, оила ва жамоатчиликнинг диққат-эътиборини янада кучайтиришни талаб этади. Чунки бозор иқтисодига ўтилиши муносабати билан юзага келган иқтисодий қийинчиликлар ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг авж олиб кетишига салбий таъсир этмоқда. Бунга барҳам бериш, аввало, ота-оналарнинг фарзанд тарбияси юзасидан назоратини кучайтириш, мактаб билан алоқани мустаҳкамлаш бугунги кун талабидир. Муштарийлар ҳам шу ҳақда ташвиш билан ёзишади.

«Мен, — деб ёзади Пайариқ районидан А. Мислибоев, — 46-ўрта мактаб ўқувчисиман... Биз ёшлар ҳақида кўп гапирамиз-у, аммо амал қилмаймиз. Аввало, ёшларнинг таълим-тарбиясига эътибор беришимиз керак. Ҳозирги айрим болалар мактабда ўқимайди, фақат кўчама-кўча дайдилик қилиб юради. Улар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ота-оналар тергамайди...»

Таҳририятга мактуб йўллаганларнинг барчаси ҳам бола тарбиясини яхшилаш юзасидан ўз дилларидаги ниятларни баён этишга, бошқаларга ҳолиқудрат йўл-йўриқ кўрсатишга ҳаракат қилишган. «Болаларни оилада одоб-ахлоқ руҳида тарбиялаш ва фойдали меҳнатга ўргатиш, оила тарбиячиси бўлмиш ота-онанинг муқаддас бурчи ҳисобланади, — деб ёзади Бухоро вилоятининг Пешку районидаги 17-мактаб ўқитувчиси З. Тўхтаев. — Оилада тарбиявий ишларни ва бўш вақтларни кўнгилдагидек мазмунли ташкил этишда ота-онадан юксак педагогик маданият ва маҳорат талаб қилинади. Албатта, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг психологик хусусиятларини яхши билади. Лекин ҳозирги пайтда ҳар бир оилада бола тарбиясини янада яхшилашга етарли эътибор берилмоқда, дейиш қийин...»

Аксарият мақолаларда бўлганидек, мазкур муаллиф ишида ҳам изчиллик йўқ. Баён этилаётган фикр муайян далил ёки тажриба билан ифодаланиши ўрнига узундан-узоқ тавсия ва таклифлардан иборат матндан иборат бўлиб қолган.

Сирдарё вилоятининг Меҳнатобод районидаги 5-ўрта мактаб география ўқитувчиси А. Олтибоев ўз хатида таълим-тарбия ишини қайта қуриш, касбга йўналтириш юзасидан айрим мулоҳазаларини баён этган. Жумладан, у: «Ҳар бир бола маълум бир соҳа ёки касбга қизиқади. Шунинг учун болани ўқисанг ҳам ўқийсан, ўқимасанг ҳам ўқийсан, деб ўн йил ёки тўққиз йил синфда олиб ўтирмасдан, 7-синфдан кейин маълум касбга ўргатиш керак. Бунинг учн мактаб қошида ўқувчилар қизиқишига қараб маълум касбларни берадиган синфлар очиш зарур».

Ўқувчиларнинг ахлоқ-одоби, ота-оналарга муносабати акс эттирилган ўқувчилар қоидасини ишлаб чиқиш ва турмушга жорий этиш ҳақида Чиноз районидаги 7-ўрта мактаб математика ўқитувчиси О. Муҳитдинов куюнчаклик билан дил сўзларини ёзган.

Самарқанд вилоятинини Советобод ноҳиясидаги 6-ўрта мактаб жуғрофия ўқитувчиси И. Ҳасанов эса бола тарбиясида оиланинг роли ҳақида қалам тебратган. Мақола муаллифи оилада ий-жойни тартибли тутиш, дид-фаросат, нафосат, бўш вақтни қандай ўтказиш, касбкор ўрганиш хусусида фикр-мулоҳаза юритган.

Юқорида тилга олинган ахлоқ-одоб ҳақидаги материалларда меҳнат тарбияси ва касб танлаш масалалари тилга олинганини таъкидлаган эдик. Қашқадарё вилоятининг Ульянов районидаги Б. Шодиқулов номли ўрта мактаб ўқитувчиси Р. Шодмонов ўз мақоласида ўқувчиларни касбга йўналтириш масаласига тўхталади. Мақола ихчам ва силлиқ ёзилган. Лекин унда қуруқ тавсиялар баён этиш билан чекланилган.

Рўзномамизда муштарийларнинг ижтимоий тарбияга оид мақолалари «Одобнома», «Оила даврасида», «Соғлом турмуш тарзи», «Одоб-ахлоқ мавзуида», «Етилган муаммолар ҳақида мактублар», «Нафосат бўстони», «Таклиф ва мулоҳазалар» ва бошқа рукнлар остида ёритиб борилмоқда. Шунингдек, «Одобнома» дарсларини ўқитиш юзасидан педагог олимлар, ўқитувчи ва методистларнинг мақолаларига катта ўрин берилаётир. Таҳририятимиз папкасида муаллифларнинг эълон қилишга тахт қилиб қўйилган анчагина мақолалари бор. Жумладан, Хоразм дорилфунуни доценти Э. Бекматов, Фарғона вилоятининг Ёзёвон районидаги 6-мактабнинг «Одобнома» муаллими Н. Ҳайдаровларнинг мақолалари мавзу эътибори ва мундарижаси билан диққатга сазовордир. Афсуски, улар юборган айрим мақолалардан фойдаланиш имкони йўқ.

Бола азиз, одоби ундан азиз, деган нақл бор. Муштарийларимизда тошкентлик П. Каримова, Қашқадарё вилоятининг Ульянов районидан Ф. Жониева, Р. Ҳамидов, Самарқанд вилоятининг Пайариқ районидан Ш. Отақулов, Наманган вилоятининг Норин районидан И. Ҳамдамов, Поп районидан Ҳ. Эрматов ва бошқалар дўстлик ва қардошлик, она меҳри, синф раҳбари ишини режалаштириш, мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлиги мавзуларида мақолалар йўллашган.

Шуни қайд этиш керакки, айрим муштарийларимиз қаламга олган мавзуни ёритишда изчилликка амал қилишмайди, кўпроқ маслаҳат, тавсия баён этишга берилиб кетишади. Ваҳоланки, муштарийлар учун иш тажрибалари, мавжуд ўткир муаммоларнинг ёритилиши манфаатлидир.

Рўзноманинг қизиқарли ва ўқимишли бўлиши жамоатчи мухбирларимизнинг фаоллигига, ўткир муаммоларни ёрқин акс эттиришларига боғлиқ. Ўқитувчилар ва педагог-олимларимиз орасидаги бундай муаллифларимиз бизга доимо мададкор бўлиб қоладилар, деб умид қиламиз.

ИЖТИМОИЙ ТАРБИЯ БЎЛИМИ.

ОЛИМНИ ХОТИРЛАБ...

Жумҳуриятимиз жамоатчилиги филология фанлари доктори, профессор Иномжон Расулевни атоқли тилшунос олим, фан ва олий таълимнинг заҳматкаш фидойиси, меҳрибон мураббий, ажойиб ташкилотчи, олижаноб инсон сифатида яхши билади.

Яқинда Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институтида — олим ўзининг бутун қалб қўри, куч-қуввати, ташкилотчилик салоҳиятини бағишлаган, 15 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида раҳбарлик қилган олий билим даргоҳида Иномжон Расулев хотирасига бағишланган олий ўқув юртлараро илмий-назарий йиғилиш бўлиб ўтди. Анжуманни институт ректори И. Сулаймонов кириш сўзи билан очди. Ректорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари, филология фанлари номзоди М. Ҳошимова «Йирик тилшунос олим, меҳрибон устоз, камтарин инсон», Ўзбекистон фанлар академияси Тилшунослик институти етакчи мутахассиси, профессор Р. Дониёров «Иномжон Расулев — лексиколог ва атамашунос», Бухоро давлат дорилфунуни профессори Ҳ. Неъматов «Академик А. Н. Кононовнинг бир фикри хусусида» мавзуларида олимнинг ўзбек тилшунослик фани тараққиётидаги ўрни, дарслик ва қўлланмалар яратиш, соҳасидаги катта хизматларини алоҳида таъкидлашди.

Иномжон Расулев билан узоқ йиллар бирга ишлаган, уни яқиндан билган институт ўзбек адабиёти кафедрасининг мудири, доцент Л. Зоҳидов, рус тили кафедрасининг мудири, профессор Р. Акопян, уруш ва меҳнат фахрийси Я. Дратва, шунингдек, Тошкент давлат дорилфунуни доценти Р. Иноғомов, шаҳардаги 23-мактаб директори А. Дадабоев, олимнинг синглиси М. Расулева, вилоят рўзномасининг мухбири Б. Фозилхўжаев ва бошқалар таниқли олим ҳақидаги хотираларини сўзлаб беришди.

Мухбиримиз.

Дарсларни кузатганда

МАШҒУЛОТДАГИ АДАБИЙ МУҲИТ

Яқинда пойтахт шаҳар, Шайхантоҳур ноҳиясидаги Аъзамхон Рустамов номли мактабнинг юқори синфларида она тили ва адабиётдан дарс берувчи Назокат Насриддинованинг илғор тажрибалари ўрганилди.

10 га яқин меҳмон, тил ва адабиёт ўқитувчилари синфга кириб, орқа томонда ўтирдилар. Магнитофон қулоғи бураларди, ундан Муқимийнинг «Зулм ила қаҳру ғазаб» ғазалига ёзилган куй янгради. Бу орада биз адабиёт дарси ўтиладиган синф хонасини кузатдик. Бир кўришда бу ерни музей бўлса керак, дейиш мумкин, аслида у ўзбек адабиёти дарси учун ҳозирланган кабинетдир. Чунки кабинетга дид билан ўрнаштирилган кўргазмали материалларнинг барчаси ўзбек адабиёти тарихига ва замондош ёзувчиларимиз ҳаёти ва ижодига бағишланган.

Ўқитувчи болалар диққатини янги мавзуга қаратди:

— Азиз ўқувчилар! Бу кунги мавзуимиз биз танишиб ўтган Муқимийга замондош бўлган, унинг шогирди ҳисобланган Зокиржон Ҳолмуҳаммад ўғли Фурқатнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида боради. Маълумки, ўтилган дарсларда Муқимий, Фурқат, Завқий яшаган давр ҳақида суҳбатлашган эдик, шу туфайли мен Фурқатнинг ҳаётидаги энг муҳим воқеалар хусусида тўхтаб ўтмоқчиман.

Фурқатнинг ёшлик йиллари Қўқон, Марғилонда кечган бўлса, кейинчалик хорижий юртларга сафар қилиб, умрининг 15 йилини Ёркентда ўтказиб, 1909 йилда шу ерда вафот этди. Аммо у қаерда бўлмасин, ёзган ғазаллари туғилган юртига тарқаларди. У дарбадарликда юрганда, кўп қийинчиликларни бошидан кечирди, уларни ўз асарларида акс эттирди...

Дарс давомида ўқитувчи маҳорат билан синф ўқувчиларини асосий мавзу тевараги да суҳбатга тўла тортиб борди. Болалар машғулотда фаол иштирок этдилар. 45 минутлик дарсда 10 ўқувчи баҳоланди.

Қисқаси, дарсда адабий муҳит яққол сезилиб турди. Ўз касбининг моҳир устаси Назокат Насриддинованинг шу куни 9-«А» синфда ўтказган адабиёт сабоғидан барча меҳмонлар чуқур таассурот билан чиқдилар.

Ҳ. ИЎЛДОШЕВ,

жумҳуриятда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими.

Қутлаймиз!

Азиз Қурбон Раҳимович ЭРГАШЕВ!

Бутун борлиқ яхшиликка бўянган шу кунларда қутлуғ 60 ёшингизни нишонламоқдасиз.

Ўтган 40 йиллик педагоглик фаолиятингиз давомида ёшларга жонкуяр устоз, ижодкор ўқитувчи сифатида кенг жамоатчилик ўртасида катта ҳурмат қозондингиз. Иш тажрибаларингиз ноҳияда бир неча бор оммалаштирилди.

Шу қутлуғ кунда Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр, оилангизга хотиржамлик тилаймиз.

ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ БИЛАН ЧИЛОНЗОР НОҲИЯ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ВА 179-МАКТАБ ЖАМОАСИ.

Қутлаймиз!

Қадрли Акбар ОРТИҚХЎЖАЕВ!

Меҳнат фаолиятингизнинг 40, қутлуғ ёшингизнинг 63 йиллиги билан мубораклаб этамиз. Узоқ йиллар халқ таълимининг турли жабҳаларида, турли лавозимларда ишладингиз. Лекин қаерда бўлманг, мақсадингиз ягона — халқ фарзандини тарбиялаш, камолга етказиш бўлди.

Қўлингизда таълим-тарбия олган ўнлаб шогирдларингиз изингиздан бориб, педагоглик касбини ардоқлаб келишмоқда.

Сиз учун бугунги қувончли кундаги бахт ҳамиша Сизга мададкор, доимо ҳамроҳ бўлиб юрсин.

ҚИБРАЙ НОҲИЯ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ҲАМДА 45-МАКТАБ ПЕДАГОГИК ЖАМОАСИ.

Қутлаймиз!

Қадрли дадажон Икромжон УБАЙДУЛЛАЕВ!

Яқинлашиб келаётган 51 баҳорингиз, педагогикадек машаққатли касбдаги 30 йиллик меҳнат фаолиятингиз билан чин юракдан мубораклаб этамиз.

Дадажон! Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ ва сермазмун умр, бағри бутунлик, ижодий баркамоллик тилаймиз. Ҳамиша бағримизни тўлдириб юринг.

АНДИЖОН НОҲИЯСИ БЎЗ ЖАМОА ХЎЖАЛИГИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛУВЧИ УБАЙДУЛЛАЕВлардан.

Қутлаймиз!

Қадрли Мирзом АФЗАЛОВ!

Сиздек азиз, заҳматкаш, фидойи ҳамкасбимизни, кўп йиллардан буён ёш авлодни тарбиялаш борасида самарали фаолият кўрсатиб, ўқитувчи деган номни шарафлаб келаётган маслакдошимизни туғилган кунингизнинг олтмиш йиллиги билан чин дилдан қутлаймиз. Сизга узоқ умр, мустаҳкам саломатлик тилаймиз.

ЭҲТИРОМ ИЛА ТОШКЕНТ ШАҲАР ЮНУСОБОД РАЙОНИДАГИ 274-ЎРТА МАКТАБ ЖАМОАСИ.

Қутлаймиз!

Қадрли устозимиз Муҳтарамхон МИРАҲМЕДОВА!

Сизни қутлуғ 55 ёшингиз ҳамда фаолиятингизга 34 йил тўлиши муносабати билан самимий қутлаймиз!

Сиз умрингизнинг 34 йилини нина билан қудуқ қазишдек савоб ишга — ўқитувчиликка бағишладингиз. Натижада бутун қишлоқнинг муаллимаси, устозига айландингиз, ота-оналар ўртасида обрў-эътибор қозондингиз. Ҳозирги кунда Сизнинг шогирдларингиз турли жабҳаларда ва ҳар хил касбларда фаолият кўрсатишмоқда.

Ушбу қутлуғ айёмда Сиз азиз ҳамкасбимиз ва устозимизга соғлиқ-саломатлик, узоқ ва сермазмун умр, шоду хуррамлик ато қилишни яратгандан тилаб қоламиз.

ҲАМКАСБЛАРИНГИЗ — ТОШКЕНТ ШАҲАР СИРҒАЛИ НОҲИЯСИДАГИ БОБОРАҲИМ МАШРАБ НОМЛИ 303-ЎРТА МАКТАБ ЖАМОАСИ.

Қутлаймиз!

Қадрли дадажонимиз Ўткир СОЛИҲОВ!

Сизни 50 йиллик тўйингиз, туғилган кунингиз билан самимий мубораклаб этамиз.

Сиз таваллуд топган кун — хонадонимиздаги энг шодиёна кундир. Ана шу қутлуғ кунда Сизга дунёдаги энг яхши тилакларни тилаймиз. Ёшларга мураббийлик қилишдек сермашаққат ишингизда ижодий бардамлик ҳеч қачон тарк этмасин.

Фарзандларингиз: ДИЛДОРА, АЛИШЕР, ДИЛНОЗАЛАР.

Ҳамкасблар ижоди

СЕВСАНГ МЕНИ...

Севсанг мени ёниб сев, эркам,
Ендириб сев қўшиқ, куйингда.
Пок ишқ ила эртамиз бекам,
Сайқалларсиз ром эт ўйингда.
Майин сабо каби етаман,
Парвонангман чорласанг шу тоб.
Масканингни бўстон этаман,
Чарақлаб тур, бошимда Офтоб!
Гар интилсанг, ўзга нигоҳга
Руҳан гадодирсан, беимон.
Йўқолурсан сен ўша чоғда
Ҳаётимдан беному нишон...

ИСТАГАНИМ

Истаганим мансаб, матомас,
Нигоҳингда кўрмоқ дилингни.
Рашк чўғида тобланган олмос,
Қаби сенга томон талпиндим.
«Севги» қўйиб унинг отини,
Ўй-хаёлинг васли-ла қордим.
Аммо билмай туриб тотини,
Фисқу фасод майин сипқордим.
Мен тўкисман, алишмам дилим,
Майда гап-сўз савдоларига.
Ишқ керак, — деб такрорла тилим,
Устун чиқмоқ учун баридан!..

Ҳ. ҲАЙДАРОВА,
Тошкент шаҳар Ҳамза ноҳияси халқ таълими бўлимининг услубчи-назоратчиси.

1 БОБ

ИСЛОМ ПАЙҒАМБАРИ

Арабистон. Бу жой Исломнинг бешиги: ислом Пайғамбари шу ерда таваллуд топди, у араб тилида сўзлашарди ва унинг таълимоти арабларга қарата ёзилган эди, улар эса бу таълимотни оламга ёйдилар. Бинобарин, Пайғамбарнинг уларга ва улар орқали бошқаларга таъсирини тушуниб етмоқ учун арабларнинг урф-одатлари, феъл-атвори ва шунга баробар равишда уларнинг Исломгача бўлган ҳаёт тарзлари билан танишганимиз сингари юртлари тўғрисида ҳам маълумотга эга бўлмоғимиз зарур. Араблар қадимий маданий дунёдан қарийб ажратиб қўйилаёзган мамлакат фуқароларидирлар. Бу мамлакатнинг шимолини саҳро ишғол қилган, денгизлар эса уни уч томондан ювиб туради, шимоли-шарқий томонида Фурот дарёси оқиб ўтади, шимоли-ғарбида Ўртаер денгизи жойлашган. Араблар уни Жазиратул-араб ороли деб аташади. Сомийлар ирқининг бир шохобчаси бўлган араблар жуда қадимий халқлар, улар қадим замонлардан буён ўзларига хос турмуш тарзига эга бўлганлар ва бу билан ўзларининг пайдо бўлишлари-ю келиб чиқишлари, ўз юртлари ва урф-одатлари билан фахрланадилар. Арабистоннинг каттагина қисми саҳродан иборат бўлиб, унинг бу ерида кўчманчи қабилалар учун яйловлар хизматини ўтайдиган водийлар жойлашган. Бу ерда қумлар орасида воҳалар, кичик-кичик яшил оролчалар ва ҳатто тоғлар учрайдики, у ерларда ёғингарчилик кўп бўлади. Яман ана шундай масканлардан бири ҳисобланади. Биз Арабистон тарихи ҳақидаги ҳикоямизни шундан бошлаймиз.

Яман. Қулай иқлимга эга ясси тоғлар мамлакати. У ерда ёмғирлар ёғиб туради, қишда эса совуқ бўлади. Кенг яшил водийларда буғдой, тариқ ва арпа ўсади. Тоғ ёнбағирларида токзорлар, мевали боғлар, масалан, хурмозорлар, ўрикзор, анорзорлар ва ёнғоқзорлар ястаниб ётибди. Шунингдек, Мокко қаҳваси (Қизил денгиз соҳилидаги бандаргоҳ шаҳар Мокко номига нисбатан берилган қаҳва нави) ҳам экиладики, уни етиштиришда Яман асрлар бўйи машҳур бўлиб келди ва ҳозир ҳам донг таратмоқда. Муайян миқдорда қорамол ҳам боқилади. Сана — Яманнинг пойтахти. Яманликлар ҳамиша Арабистоннинг энг бой табақаларини ташкил қилиб келганлар. Қадимда Яман юксак даражада ривожланган ўз маданиятига эга бўлганлиги маълум. Яманликларни Исломгача ҳимёрлар деб аташарди. Улар Пайғамбар дунёга келишидан анча илгариёқ Рим билан савдо алоқалари олиб борганлар.

Ҳадрамут. Ямандан шарқда соҳил бўйлаб жойлашган Унинг ҳам тарихий алоқалари бўлган ва гуллаб-яшнаган мамлакат саналганлиги эҳтимолдан ҳоли эмас, зеро воқўчиб кетиб Шарқий Африқода, Ҳиндистон ғарбидаги денгиз соҳилларида ва Суматрада қўним топганлар.

Нажд. Марказий Арабистоннинг ясси тоғликларида жойлашган. Унинг жанубида ва шимолида теп-текис, гиёҳ ўсмас гуллар ёйилиб ётибди, жануб томондаги Руб-ал-Холи деб номланувчи чўл бўм-бўш майдон, шимол тарафдагиси эса Нуфуд чўли деб аталади. Нажд ўзича қуруқ, лекин кишига тетиклик бағишловчи соғлом иқлимга эга манзилгоҳдир. У ҳар доим жасур қабилалари ва зотдор отлари билан донг таратиб келган. Ўн тўққизинчи асрда Муҳаммад ибн Абдул Ваҳоб бошчилигида юзага келган сипойилар ҳаракатининг ватани ҳисобланади. Бугунги кунда Нажд нефть қазиб чиқариш билан боғлиқ корхоналар маркази саналади. Арабистон қироли Амир Сауд ана шу ерларда таваллуд топган. Унинг отаси Амир Абдул Азиз ибн Сауд ал-ҳижозни ҳам забт этди ва эндиликда, Яман, Ҳадрамут ва жанубий-ғарбий соҳилни истисно қилганда, бутун мамлакат Саудия Арабистони деб аталади.

Ҳижоз. Ниҳоят Арабистон ярим оролининг энг муҳим қисми бўлган ал-ҳижозга мурожаат қиламиз. У Ямандан шимолда ва Нажддан ғарбда жойлашган бўлиб, бизнинг тадқиқотимизда бир оқ доғни ташкил қилади. Бу ерга Яманнинг сингари хуш иқлим ва яшиллик, Ҳадрамаутдаги каби ҳосилдорлик, ал-хас ҳамда Форс кўрфазига ёндош шарқий туманлардагидек нефть бойлиги, шунингдек Нажднинг хос соғлом иқлиму нефть конлари насиб этмаган экан. Ал-Ҳижоз ўз воҳаларига, Мадина ва Тоифда боғлари ҳамда ўсимликлари учун товхоналарига эга; ҳар ҳолда у Арабистоннинг энг камбағал қисми ҳисобланади. Шунга қарамасдан ҳанузгача арабларнинг ғоят муҳим вилояти бўлиб қолянти. Макка ва Мадинадек иккита Ислом шаҳри унинг тасарруфида. Макка ҳатто Исломдан илгари ҳам муқаддас дийларида қадимий шаҳарчалар ва анҳорларнинг ҳаробалари сақланиб қолган. Машҳур франкинсен дарахти танасидан чиқарадиган сақичсимон шира атир-упа саноатида ишлатилиб, дунёда юксак қадрланиб келади. Мазкур жойнинг номи эса юнон тарихчиси Ҳеродот асарларида Исо пайғамбар дунёга келишидан беш аср муқаддам қайд этиб ўтилган. Бу ерда меҳнатсевар кишилар яшаган. Улар резавор кўкатлар, мева, тариқ ва арпа етиштирганлар, бадавийлар эса мол ва мўйна учун қўй боққанлар. Бу ерлик кишилар қадим замонлардан бери денгизга меҳр қўйиб, у орқали Шарқ ҳамда Узоқ Шарқ билан савдо алоқаларини боғлаб туришган. Улар араб ягона оила, уруғ ва аниқ бир қабилага мансуб эди. Улар бир жойда яшаб, бирга курашардилар, қайғу-ғамларини, шоду хуррамликларини биргаликда баҳам кўрардилар. Озиқ-овқат ҳамиша танқис бўлганлигидан одамлар учун ҳам, ҳайвонлар учун ҳам ҳаёт омонат ва хатарли эди, кишиларнинг кайфияти ҳеч қачон бирдай оғир-вазмин бўлолмасди. Исталган пайтда бир қўшни иккинчи қўшни устига бостириб келиши мумкин эди. Бундай ҳужумлар баъзида ғалаба келтирса-да, таҳликали ўтарди, чунки рақиб жангсиз таслим бўлмаслиги аён. Араб қўли қилич кўтара олмай ва отни бошқара олмай қолгунига қадар олишаверарди. Уруғлар ўртасидаги ғанимлик ҳеч қачон битта одам билан чегараланиб қолмасди, бошқа бир жамоанинг аъзоси жангда ҳужум пайтида ёки пистирмадан туриб ўлдирилгудек бўлса дарҳол бутун қабила ўзаро низолар гирдобига тортиларди ва авлоддан-авлодга ўтиб, кўплаб кишиларнинг ёстиғини қуритарди. Чунки қонга-қон, жонга-жон деган ақида устивор эди. Араб ўз жонини аямасди, унинг учун ҳаёт бир чақа, энг муҳими шон-шарафини ҳимоя қилиш ҳисобланарди.

Кўчманчи араблар. Араблар жуда қадим замонлардан шундай яшаб келишади. Уларнинг кўплари ҳаётнинг бир хиллигидан безиб, қўникиб қолган жойларидаги ерларнинг ҳосилсизлигидан безор бўлиб шимол томон жила бошладилар. Зеро, у ёқда ям-яшил водийлар, кенг дарёлар мавжуд бўлганлигидан катта курашлар эвазига бўлса ҳам, қўлга киритган маконнинг сенга роҳат-фароғат бағишлаши мумкин эди. Шундай қилиб, араблар шимол, шимоли-шарққа, Ироққа, икки дарё оралиғидаги мамлакатга, Фурот ва Дажла дарёлари томон, шунингдек, Шом ва Фаластинга — яшил тепаликлар ва серҳосил водийлар сари йўл олдилар. Ироқда гуллаб-яшнаган қадимий аккадоиқлар, холдейлар, шумерлар ва осурийлар узоқ ўтмишда чўлдан кўчиб келиб қолган бўлсалар ажаб эмас. Шунингдек, Фаластин муҳожирлари — финикийлар, арамейлар, аморийлар ва хабрусийлар ҳам араблар бўлган. Ислом пайдо бўлишидан юз йилча муқаддам ҳассанийлар ёки бани Ҳассан Фаластинга кўчиб келишгач, христианликка чўқинтирилган, ҳозир Жанубий Иорданияда ҳам шундай қилинади.

(Давоми бор).

(Боши рўзноманинг ўтган сонида).

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИНГ 9-СИНФЛАРИНИ НАМУНАЛИ ҲУЛҚ БИЛАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ТУГАЛЛАГАН ЎҚУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!

Гулистон давлат дорилфунуни қошидаги лицейнинг 10-синфларига танлов асосида қуйидаги йўналишлар бўйича ўқувчилар қабул қилинади:
— физика;
— математика;
— химия;
— биология;
— ўзбек тили ва адабиёти;
— рус тили ва адабиёти;
— тарих.

Ўқув машғулотлари дорилфунун профессор-ўқитувчилари, юқори малакали ўқитувчилар томонидан олиб борилади. Лицейда ўқиш икки йил давом эттирилиб, 11-синфни муваффақиятли тугаллаган талабалар дорилфунунга кириш имтиҳонисиз қабул қилинади.

Танлов мутахассисликка оид ва касбга муносабатини ҳамда қизиқишини аниқловчи суҳбат асосида амалга оширилади.

Лицейга ҳужжатлар қабул қилиш 1992 йил 16 июндан 1 июлгача ва 1 августдан 14 августгача ўтказилади. Суҳбат 5—15 июль ва 15—25 август кунлари махсус график асосида амалга оширилади.

Шаҳар, вилоят ва республика олимпиадасининг ғолиблари лицейга танловсиз (конкурссиз) қабул қилинадилар.

Лицейга қабул қилинган ўқувчилар бепул овқат, кийим-кечак ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Лицейга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:
— директор номига ариза;
— район ва шаҳар халқ таълими бўлимининг йўлланмаси (Сирдарё вилояти учун); бошқа вилоятлар учун вилоят халқ таълими бошқармасининг йўлланмаси;
— маълумоти ҳақидаги гувоҳнома;
— туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома;
— саломатлик тўғрисида маълумотнома (086/У шаклидаги медицина ҳужжати);
— ота-онасининг 1991 йил учун иш ҳақи тўғрисидаги маълумотнома;
— оила аъзолари ҳақида маълумотнома; онаси ишламаса, уй бекалиги ҳақида маълумотнома; кўп болали оналарга район ва шаҳар социал таъминоти бўлимидан 1991 йил учун нафақаси кўрсатилган маълумотнома;
— 4 та 3х4 см. ва 6х9 см. ҳажмли сурат.

ЛИЦЕЙ МАЪМУРИЯТИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГОҲДА ЖОЙЛАШГАН: Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳри, Саркисов кўчаси, 2-уй. Телефон — 3—40—61.

ЯНГИНИ СОТИБ ОЛГАНДАН ЭСКИНИ ТУЗАТГАН АРЗОНДИР

«Ўзбекўқувавтоматика» ихтисослаштирилган созлаш ва ишга тушириш бошқармаси ускуналарни (лингафон хоналар, имтиҳон олиш, машқ қилиш, гаплашиш қурилмалари) жорий, ўрта ва капитал тузатиш ишларини, агарда тузатишнинг иложи бўлмаса, юқорида кўрсатилган қурилмаларни ҳисобдан чиқариш учун хулоса чиқаришни тавсия қилади.

Бизнинг мутахассисларимиз Сизнинг янги аппаратларингизни ишга тушириб ва созлаб беради ҳамда хизматни кафолатлайди.

Биз тез, соз ва арзон баҳога ишлаймиз.

Манзилгоҳимиз: 700194, Тошкент шаҳри, Муродов кўчаси, 9-уй.

Маълумот учун телефонлар: 22-55-90, 22-42-80.

ДИҚҚАТ, ҚЎШИМЧА ТАНЛОВ!

Республика рус тили ва адабиёти педагогика институти рус тили ва адабиёти ўқитиш услубиёти кафедрасидаги бўш турган доцент лавозимига қўшимча танлов эълон қилади.

Ҳужжатларни топшириш муддати — 1992 йил 25 майга қадар.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700110, Тошкент шаҳри, академик В. В. Решетов кўчаси, 4-уй. Телефон — 75-93-11.

Спорт

ХОТИРА СОВРИНИ МУСОБАҚАСИ

Қамаши район халқ таълими бўлими ва халқ таълими ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси қарори билан Амур Темур номидаги 1-ўрта мактабнинг собиқ математика ўқитувчиси, миллий кураш бўйича Ўзбекистон чемпиони, марҳум Исмоил Бўриев хотирасига бағишланган мактаб ўқувчилари мусобақаси бўлиб ўтди.

Миллий кураш бўйича икки кун мобайнида Беруний номли ўрта мактабда қизғин беллашувлар давом этди.

Хотира соврини мусобақаси шартларига кўра, 15 вазн бўйича беллашувларда Амур Темур номли 1-ўрта мактаб ўқувчиси Шерали Эрназаров (38 кг.), А. Умарий номли ўрта мактаб ўқувчиси Нурали Эргашев (35 кг.), Ломоносов номли ўрта мактаб ўқувчиси Р. Ҳасанов (41 кг.), К. Очилов (47 кг.) ва бошқалар мусобақа ғолиби бўлишди.

Умумкоманда ҳисобида Чим қишлоқ совети мактабларининг ўқувчилари биринчи, Қизилтепа қишлоқ совети мактабларининг ёш полвонлари иккинчи, Қамаши шаҳри мактабларининг вакиллари учинчи ўринни эгаллашди.

Хотира соврини мусобақаси ўтказилишига марҳум полвон И. Бўриевнинг қариндош-уруғлари, шогирдлари, ҳамкасб биродарлари ҳомийлик қилишди.

И. АҲМЕДОВ,
Б. ЖИЯНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи М. РАҲМОНОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г — 88. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 19.00.

Тиражи 160000.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12